



 TIKA



**YOSH SHARQSHUNOSLARNING
AKADEMIK UBAYDULLA KARIMOV
NOMIDAGI XVI RESPUBLIKA
ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI
MATERIALLARI**



۱۹۱۲۱۹

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

TURKIYA HAMKORLIK VA MUVOFIQLASHTIRISH BO'YICHA AGENTLIGI (TIKA)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

**ЁШ ШАРҚШУНОСЛАРНИНГ
АКАДЕМИК УБАЙДУЛЛА КАРИМОВ
НОМИДАГИ XVI RESPUBLIKA
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«ФАН» нашриёти давлат корхонаси
Тошкент-2019

ал-Бухорий ва ас-Сигноқий шарҳлари	199
Нурмуҳаммад Д. Ҳайсам ибн Кулайб Шоший “Муснад” асарининг тавсифи ва таҳлили	201
Нурмуҳамедов С. Сабабу вуруди ҳадиснинг илм сифатида шаклланиши	203
Палванов Ў. Саъдуддин Тафтазонийнинг ақидавий далилларни шарҳлаш услуби: масала ва ечим	205
Разоқова М. Тоҳир Эшоннинг “Ҳужжат ул-соликийн” асарида одоб-ахлоқ масалаларининг ёритилиши	208
Рахмонов Б. Ислом тарихи, маданияти ва санъатини ўрганишда халқаро ислом ташкилотлари фаолияти	210
Ҳакимова Н. Ислом ҳуқуқи мақсадлари ҳақида илк назарий қарашлар	212
ДИНШУНОСЛИК	214
Boltayeva D. Xitoyga xristianlikning kirib kelishi	214
ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ	216
Абдуллаев Б. “Зижи Хоқоний” нусхалари.....	216
Жуманазаров Х. Ўзбекистондаги халқ табобатининг ҳолати	218
Маҳмудов О. Фарғонийнинг «Китоб фи усул илм ан-нужум» асари ношири ким?.....	220
Тоҳиров Ж., Тоҳирова Ф. Али Қушчининг «Шарҳ тажрид ал-ақоид» асари.....	222
БИОГРАФИЯ	224
Алтымышова З. Торокул Джанузакон – выдающий государственный деятель Туркестана начала XX века	224
Ибрагимов Ф. Мактаб яратган олим.....	226
Икромов С. Абдулқодир ал-Қурашийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти	228
Мансурова М. Г.Л. Дмитриев – видный историк и талантливый педагог.....	230
Назирова Х. Сайфиддин Бохарзий шахсиятига чизгилар	232
Раҳимов К. Ҳожа Маҳмуд Анжирфағнавийнинг ҳаёти ва фаолияти	234
Тоҳирова Г. Ибн ан-Надим таржима фаолияти ҳақида	236
Ш. Умаралиев. Шамсул ислом Маҳмуд ал-Ўзжандий фарғоналик буюк фақиҳ.....	237
СИЁСАТШУНОСЛИК ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР	239
Abdulazimov K. Eron Islom Respublikasining Yaqin Sharq mintaqasidagi jarayonlarga munosabati va pozitsiyasi.....	239
Boydadayev A. O'zbekiston–Xitoy munosabatlari	241
Djalolov S. Zamonaviy Yaponiya tashqi siyosati: evolyutsiyasi va o'ziga xos jihatlari.....	243
Nigmanov A. Serquyosh O'zbekistonda atom energetikasining muqobil energetikadan ustunligi.....	246
Курбанова М. Япония инновацион фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари	248
Шарипов А. Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг ривожланишида маданий ҳамкорликнинг роли ва аҳамияти	250

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ ҲОЛАТИ

Х. Жуманазаров

ЎЗР ФАТИ

Табобат кишилик жамиятининг илк босқичларида вужудга келган ва инсоният ривожини билан ҳамроҳ таракқий этган соҳадир. Табобат анъаналари кишиларнинг кундалик турмуш тарзини, машғулоти, диний қарашлари ҳамда атроф-муҳит билан ўзаро муносабати асосида шаклланган. XXI асда ҳам халқлар орасида табобат анъаналарининг сақланиб қолиши, ҳатто айрим ҳудудларда замонавий тиббиёт билан ўзаро интеграцияга киришиши бу соҳанинг жамият ҳаётидаги мавқеини белгилашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Табобат анъаналари XX аср бошигача Марказий Осиёда асосий соғлиқни сақлаш усули сифатида муҳим ўринга эга бўлган. XVIII-XIX асрларда табобатнинг ҳолати, ундаги ички муаммо ва ютуқлар ҳамда табибларнинг фаолияти нафақат маҳаллий олимлар, балки ўлка халқларининг турмуш тарзини, анъаналари ҳамда урф-одатларини ўрганган ҳорижлик тадқиқотчилар асарларида ҳам акс этган. Жумладан, ўзбекларнинг табобат анъаналари ҳақида Б. Рык, Г. Колосова, Н. Лыкошин, Д. Логофеть каби олимлар қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Тарихдан маълумки, ўтган асрнинг илк чорагида марказ томонидан маҳаллий ўлка халқларининг қарашлари, урф-одатлари, маросимларини мавжуд сиёсатга бўйсундириш ҳамда тузумга хизмат қиладиган йўналишларни сингдириш ҳаракати олиб борилди. Бундан халқ табобати ҳам мустасно эмас. Маҳаллий аҳоли табиблар хизматидан фойдаланган ва мижозлар осон топиши учун марказий шаҳарларда табибларнинг махсус жойлари ёки улар истиқомат қиладиган алоҳида кўчалар бўлган. Ўтган асрнинг 20-йилларида замонавий тиббиёт масканлари очилиб, хизмат турлари йўлга қўйилган бўлсада, аҳоли табиблар хизматидан воз кечмади. Чунки, тиббий хизмат табибларникидан қиммат ва аксарият шифокорлар рус миллатига мансуб эди. Ўлка аҳолисининг барчаси ҳам тил билмаслиги, замонавий тиббий анжомлардан хадиксираши ҳам моддий омилга қўшилиб, табибларни жамиятдаги мавқеини ушлаб турган. Оқибатда, 1926 йил 31 октябрда ЎзС-СР МИҚ ва ХКС томонидан тиббий маълумотга ва махсус рухсатномага эга кишиларга даволаш билан шуғулланишга рухсат берилди⁴⁶¹ ва ҳужжатсиз фаолият юритаётган шахслар таъқибга олинди. Бу сиёсат табиблар фаолиятига жиддий зарба берди ва бундай қатъий муносабат ўтган асрнинг 70-йилларига қадар сақланиб қолди. “Табиб”, “табобат” атамалари қораланиб, уни салбий иллатлари ҳақида ташвиқот ишлари йўлга қўйилди.

1970 йилда умумиттифоқ миқёсида халқ табобати анъаналарини ўрганишга бағишланган анжуман вазият бирмунча юмшаганини кўрсатди. Илк босқичда халқ табобати анъаналарини тадқиқ қилиш доривор ўсимликлар ва уларнинг фойдали жиҳатларини ўрганиш асосида кечган бўлса, кейинчалик табобат усуллари, табибларнинг жамиятда тутган ўрни каби масалаларга доир изланишларга имконият юзага келди.

Бу даврда Ўзбекистонда табибларнинг баъзан ошқора, баъзан яширин фаолияти кучайди. Чунки, жамият томонидан халқ табобати анъаналаридан мунтазам фойдаланиши ёки табиблар хизматида эҳтиёж ортиши амалда мавжуд бўлсада, табиблар фаолиятини тартибга солувчи ёки ҳуқуқини ҳимояловчи қонуний асос йўқ эди. Шундан сўнг соҳа фидойилари томонидан табиблар ишини енгиллаштириш, уларни бир марказ остида бирлаштириш ва фаолиятига эркинлик беришга қаратилган амалий ҳаракатлар кучайди. Натижада, 1990 йил Наманган шаҳрида Муҳиддин Умаров раҳбарлигида “Шарқ табобати” маркази очилди⁴⁶². “Шарқ табобати” давлат томонидан рухсатнома асосида очилган илк марказ бўлиб, бугунги кунга қадар фаолият юритиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида табиблар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда мавқеини таъминлаш борасида бир қанча амалий ишлар қилинди. Жумладан, илк даврда Мадийер Салоев раҳбарлигида “Шарқ” кичик корхонаси, Муҳиддин Умаров бошчилигидаги “Шарқ табобати” маркази, 1992 йилда ташкил қилинган Суфий табобати марказлари кенг

⁴⁶¹ Сейфулмулюков И. К. вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. Журнал субтропической, лечебной и профилактической медицины. – Ташкент. 1928. – № 9-10. – С. 71.

⁴⁶² Мирвалиев С. Танишинг, шояд сиз ҳам шифо топсангиз (хайратми ё мўъжиза). – Тошкент: Фан, 2005. – Б.50.

фаолият юритган бўлса, турли рўзномаларда республика миқёсида биомедицина вакиллари (экстрасенс)нинг туркум йиғинлари ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Тўғри, буларнинг айримлари кўзланган натижани бермаган ёки фаолият турини ўзгартирган бўлсада, мустақилликнинг илк йилларида халқ табобатини жамият учун зарур соҳалардан бири эканлигини амалда кўрсатиб берди.

Кейинчалик табиблар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш мақсадида Тошкентда 1996 йили Муҳаммади Ҳамроев бошчилигида “Халқ табобати академияси”нинг очилиши ва унинг қошида “Шарқ табобати” журналининг нашр этилиши тиббий анъаналарни қайта тиклаш, соҳа ичида ва атрофида фаолият юритаётган шахсларни имкон қадар назорат қилиш ҳамда мавжуд ҳолатни тизимли ислоҳ қилиш ҳаракатларини бошлаб берди. 2017 йил Иброҳим Асқаров раҳбарлигида “Ўзбекистон тиббий-илмий фаолият билан шуғулланувчилар Академияси”ни ташкил этилиши табиблар фаолиятини тартибга солиш, табобат ва замонавий тиббиётнинг интеграцияси масалаларининг долзарб жиҳатларини кўрсатиб берди. Шундай бўлсада, бугунги кунга қадар республика қонунчилигида табиблар фаолияти ва табобат анъаналарини мувофиқлаштириш ва тартибга солишга қаратилган қонун ёки қонун ости ҳужжати яратилмаган эди. Бу эса турли сохта табибларнинг эркин фаолият юритишига, турли ҳорижий давлатлардан олинган гувоҳномалар асосида даволаш билан шуғулланувчи фирибгарларнинг юзага келишига сабаб бўлди. 1926 йилда табобат анъаналари ва табиблар фаолиятини чеклаш бўйича қабул қилинган қарор мустақилликка қадар амал қилган бўлса, мустақиллик сўнг, то бугунга қадар табобат анъаналарини соғлиқни сақлаш тизимида тутган ўрнини белгилаб берувчи ҳужжат қабул қилинмади. Лекин табиблар фаолияти ва табобат усуллари амалда сақланиб, соҳани тизимли ислоҳ қилиш ҳамда мавжуд муаммоларни комплекс ҳал қилиш масаласи долзарблигича қолаверди. Республика бўйлаб ўтказилган этнографик дала тадқиқотлари жараёнида табибларнинг амалда мунтазам турли текширувлар асоратида қолгани, айрим сохта табиблар фаолияти натижасида билимли табибларни ҳам жамият томонидан оммавий қораланиши, шунинг натижасида ўзи танимаган кишилар билан мулоқот қилишда ҳадиксираши каби ҳолат юзага келганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, даво топиш мақсадида республиканинг бир ҳудудидан, иккинчи ҳудудга келиб, жараён ташкилий жиҳатдан нотўғри йўлга қўйилгани сабабли табибни тополмай, топса ҳам кун бўйи қабулига киролмай навбат кутаётган беморлар ҳам талайгина. Бундан ташқари, табибнинг овозасини эшитган бўлсада, унинг манзилини кимдан сўрашни ва қандай топишни билмай бир неча кун саргардон бўлган фуқаролар ҳам оз эмас.

Бу каби салбий ҳолатларни юзага келиш сабаблари эса қуйидагича:

- узоқ вақт давомида (93 йил) халқ табобати мақоми ва табиблар фаолиятини белгиловчи қарорнинг йўқлиги;

- жамиятда замонавий тиббиёт билан бирга унинг ўрнини босувчи муқобил усуллар мавжудлиги ва уларнинг афзал томонлари ҳақида етарли тасаввурнинг йўқлиги;

- ҳақиқий, билимли табиблар билан бир қаторда сохта табибларнинг фаолият юритиши ва уларни оммавий реклама қилиниши натижасида турли салбий оқибатларнинг юзага келиши;

- республика бўйича табиблар билан мижозларни ўзаро боғланиши борасида муаммоларни тўла бартараф этилмагани;

- халқ табобати жаҳон тажрибасида икки гуруҳга ажралади: мистик табобат ва эмпирик табобат. Бизда ҳар иккиси умумий равишда табиб деб номланади. Аслида булар алоҳида усулга ва воситаларга эга бўлган мустақил икки соҳадир. Шу сабабли бу икки гуруҳни тартибга солиш ва соҳани ривожлантириш алоҳида ёндашувни талаб қилади. Шу нуқтаи-назардан табобат ва табибларнинг халқ табобати соҳалари бўйича классификация қилиш ҳамда жамиятни бу борадаги билимларини ошириш долзарб муаммолардан биридир.

Юқорида келтирилган сабаблар халқ табобати муаммоларини баратараф этиш аввало унинг ҳуқуқий асосини яратиш билан боғлиқ эканлиги маълум бўлади. Шу нуқати назардан, 2018 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўйлаймизки, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш, соҳани тизимли ислоҳ қилиш, келажакдаги режаларни халқ табобати ва замонавий тиббиётнинг ўзаро интеграциясини ҳамда халқ табобатини трансформациялашувини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқиш имконини беради.